

**ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УРТАСИДА
КОНСУЛЛИК ШАРТНОМАСИ**

Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси,

1963 йил 24 апрелидаги консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена конвенциясининг қоидаларини, халқаро ҳуқуқнинг бошқа нормаларини эътиборга олиб,

Ўз консуллик муносабатларини ривожлантириш, иккала мамлакат, шунингдек уларнинг фуқаролари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш, иккала мамлакат уртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилиб,

Шунингдек, консуллик муносабатларини тартибга солишга интилиб,

Консуллик Шартномасини тузишга қарор қилдилар ва шу мақсадда қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар.

**I ҚИСМ
ТУШУНЧАЛАР**

**1-модда
Тушунчалар**

Ушбу Шартномада келтирилган атамалар қуйидаги маъноларга эга:

1) "консуллик муассасаси" ҳар қандай бош консулликни, консулликни, вице-консулликни ёки консуллик агентлигини англатади;

2) "консуллик округи" консуллик муассасасига консуллик вазифаларини бажариш учун ажратилган туманни англатади;

3) "консуллик муассасаси бошлиғи" шу сифатда ҳаракат қилиш топширилган шахсни англатади;

4) "консуллик мансабдор шахси" шу сифатда консуллик вазифаларини бажариш топширилган ҳар қандай шахсни, жумладан

консуллик муассасаси бошлиғини ҳам англатади;

5) "консуллик муассасаси ходими" консуллик муассасасида маъмурий ёки техник вазифаларни бажарувчи ҳар қандай шахсни англатади;

6) "хизмат кўрсатиш хизматчиси" консуллик муассасасига хизмат кўрсатиш бўйича вазифаларни бажарувчи ҳар қандай шахсни англатади;

7) "консуллик муассасасининг хизматчилари" консуллик мансабдор шахслари, консуллик муассасасининг ходимлари ва хизмат кўрсатиш хизматчиларини англатади;

8) "оила аъзоси" консуллик мансабдор шахсининг у билан бирга яшовчи ва унинг қарамоғида бўлган рафиқаси(эри), фарзандлари ва ота-онасини англатади.

9) "хусусий уй хизматчиси" консуллик мансабдор шахсининг фақатгина хусусий хизматида бўлган шахсни англатади;

10) "консулликка ваколат берган давлат фуқароси" консулликка ваколат берган давлат фуқаролигига эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахсни, қўллаш мумкин бўлган ҳоларда ҳар қандай юридик шахсни англатади;

11) "консуллик бинолари" кимнинг мулки бўлишидан қатъий назар фақатгина консуллик муассасаси мақсадларида ишлатиладиган иморатлар ёки иморатларнинг қисмлари, ушбу бино ёки унинг қисмларига хизмат қилувчи ер майдонини англатади;

12) "консуллик архивлари" барча қоғозлар, ҳужжатлар, корреспонденция, китоблар, фильмлар, овоз ёзиш ленталари, консуллик муассасасининг шифрлар ва кодлар, картотекалар билан бирга реестрлари ва уларни сақлашни таъминлайдиган бошқа ашёларни англатади;

13) "консулликка ваколат берган давлатнинг кемаси" консулликка ваколат берган давлат қонунчилигига биноан шу давлат байроғи остида сузиш ҳуқуқига эга бўлган, ҳарбий кемалардан ташқари, ҳар қандай кемани англатади;

14) "консулликка ваколат берган давлатнинг ҳаво кемаси" консулликка ваколат берган давлатнинг таниқлик белгилари бўлган, шу давлатда қайд этилган, ҳарбий ҳаво кемаларидан ташқари, ҳар қандай учиб апаратыни англатади;

II ҚИСМ
КОНСУЛЛИК МУАССАСАЛАРИНИ ОЧИШ ВА КОНСУЛЛИК
МУАССАСАЛАРИ ХИЗМАТЧИЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ

2-модда
Консуллик муассасаларини очиш

1. Консулликка ваколат берган давлат консуллик муассасасини консуллик жойлашган давлат ҳудудида фақатгина шу давлатнинг розилиги билан очиши мумкин.

2. Консуллик муассасасининг манзилгоҳи, унинг даражаси ва консуллик округи, шунингдек бу билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ўзгаришлар консулликка ваколат берган давлат ва консуллик жойлашган давлат ўртасида келишувга биноан аниқланади.

3-модда
Консуллик муассасаси бошлигини
тайинлаш ва тан олиш

1. Консуллик муассасаси бошлиғи тайинлангунига қадар консулликка ваколат берган давлат дипломатик йўллар билан ушбу шахс консуллик жойлашган давлат томонидан уни консуллик муассасаси бошлиғи сифатида тан олишга розилик беришига ишонч ҳосил қилиши керак.

Консуллик жойлашган давлат бундай тан олишга розилик бермаса, у ўз қарори сабабларини тушунтиришга мажбур эмас.

2. Розилик олинганидан сўнг консулликка ваколат берган давлат консуллик жойлашган давлатга дипломатик йўллар билан консуллик муассасаси бошлигининг патентини юбориши керак. Патентда консуллик муассасаси бошлигининг тўлиқ исми, фамилияси, лавозими ва даражаси, консуллик муассасасининг манзилгоҳи кўрсатилади.

3. Патент олиниши билан консуллик жойлашган давлат консуллик муассасаси бошлиғига энг қисқа муддатда эквекватура беради.

4. Консуллик муассасаси бошлиғи эквекватура олиши биланоқ уз вазиғаларини бажаришга киришини мумкин. Эквекватура берилгунига қадар консуллик муассасаси бошлиғи консуллик жойлашган давлатнинг розилиғи билан уз вазағаларини вақтинча бажариши мумкин.

5. Консуллик жойлашган давлат консуллик муассасаси бошлиғини тайинлашни тасдиқлагач ёки унга уз вазиғаларини вақтинча бажаришга рухсат бергач, у бу туғрисида консуллик округининг ваколатли маъмурларини дарҳол хабардор қилиши ва консуллик муассасаси бошлиғи уз вазиғаларини бажариши ва ушбу Шартнома кузда тутган ҳуқуқ, имтиёз ва иммунитетлардан фойдалана олиши учун барча чораларни кўриши керак.

4-модда

Консуллик муассасаси бошлиғи вазиғаларини вақтинча бажариш

1. Агар консуллик муассасаси бошлиғи бирор сабабга кўра уз вазиғаларини бажара олмаса ёки консуллик муассасаси бошлиғи лавозими бўш бўлса, консулликка ваколат берган давлат консуллик жойлашган давлатдаги ушбу ёки бошқа консуллик муассасаси мансабдор шахси ёки консуллик жойлашган давлатдаги уз дипломатик ваколатхонаси дипломатик ходимлари аъзоларидан бирига консуллик муассасаси бошлиғи вазиғаларини вақтинча бажаришга ваколат бериши мумкин. Консулликка ваколат берган давлат консуллик муассасаси бошлиғи вазиғасини вақтинча бажарувчининг тўлиқ исми, фамилияси, лавозими ва даражасини консуллик жойлашган давлатга олдиндан маълум қилиши керак.

2. Консуллик муассасасининг бошлиғи вазиғасини вақтинча бажарувчи ушбу Шартнома консуллик муассасаси бошлиғига берадиган ҳуқуқ, имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланади.

3. Консуллик муассасаси бошлиғи вазиғасини вақтинча бажарувчи дипломатик ходимлар аъзоси унинг дипломатик статусига мувофиқ берилган дипломатик имтиёзлар ва иммунитетлардан фойдаланишда давом этади.

5-модда

Келиш ва кетиш тўғрисида хабар бериш

1. Консуликка ваколат берган давлат консулик жойлашган ердаги ваколатли маъмурларга ёзма равишда қуйидагиларни маълум қилади:

1) консулик муассасаси хизматчиларнинг тулиқ исми, фамилияси ва даражаси, келиш ва тамомила кетиш ёки вазифаларини бажаришни тўхтатиш вақти, шунингдек консулик муассасасида ишлаш даврида хизмат ҳолатидаги ўзгаришлар тўғрисида;

2) консулик муассасаси хизматчилари оила аъзоларининг ва хусусий уй хизматчиларининг келиш ва тамомила кетиш вақти, шунингдек уларнинг статусларидаги ўзгаришлар тўғрисида.

2. Консулик жойлашган давлатнинг ваколатли маъмурлари консулик муассасаси хизматчиларига ва уларнинг оила аъзоларига тегишли гувоҳномалар беради.

6-модда

Консулик мансабдор шахсларининг фуқаролиги

Фақатгина консуликка ваколат берган давлат фуқароси консулик мансабдор шахси бўла олади, бироқ у консулик жойлашган давлатда доимий яшовчи шахс бўлмаслиги керак.

7-модда

Экзекватурани бекор қилиш ва тан олишни тўхтатиш

1. Консулик жойлашган давлат исталган вақтда, ўз қарорини асослашга мажбур бўлмаган ҳолда, консуликка ваколат берган давлатни у ёки бу консулик мансабдор шахси "persona non grata" эканлиги ёки консулик муассасасининг у ёки бу ходими ва хизмат кўрсатиш хизматчиси номақбул эканлиги тўғрисида хабардор қилиши мумкин. Бундай ҳолда консуликка ваколат берган давлат ушбу шахсни чақириб олиши керак.

Агар консулликка ваколат берган давлат оқилона муддат ичида бу мажбуриятни бажармаса, унда консуллик жойлашган давлат мос равишда ушбу шахснинг эквекватурасини бекор қилиши ёки бундай шахсни консуллик муассасаси ходими деб тан олишдан воз кечиши мумкин.

2. Консуллик муассасаси ходими этиб тайинланган шахс консуллик жойлашган давлат ҳудудига келмасидан олдин ёки, агар у консуллик жойлашган давлатда бўлса, у ўз вазифаларини бажаришга киришишидан аввал номақбул деб эълон қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда консулликка ваколат берган давлат унинг тайинланишини бекор қилади.

III ҚИСМ КОНСУЛЛИК ВАЗИФАЛАРИ

8-модда

Консуллик мансабдор шахсининг вазифалари

Консуллик мансабдор шахси вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) консулликка ваколат берган давлат ва унинг фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек консулликка ваколат берган давлат фуқароларига ёрдам кўрсатиш;

2) савдо, иқтисодий, маданий, спорт, илмий-техника, туристик ва бошқа соҳаларда консулликка ваколат берган давлат ва консуллик жойлашган давлат ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш;

3) консуллик жойлашган давлатда барча қонуний йўллар билан сиёсий, савдо, иқтисодий, маданий, спорт, илмий-техника ва бошқа соҳалардаги аҳвол тўғрисида маълумот олиш ва бу тўғрида консулликка ваколат берган давлат ҳукуматига хабар бериш;

4) консулликка ваколат берган давлат санкция қилган, консуллик жойлашган давлат қонун-қоидалари билан таъқиқланмаган ёки бажарилишига консуллик жойлашган давлат эътироз билдирмайдиган қўшимча вазифаларни бажариш.

9-модда

Ўқаролик ва ўқаролик ҳолати актларини қайд этиш масалалари бўйича вазифалар

Консуллик мансабдор шахси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) консулликка ваколат берган давлат ўқароларини ҳисобга олиш;

2) консулликка ваколат берган давлат қонунларига мувофиқ ўқаролик масалалари бўйича илтимосномаларни қабул қилиш;

3) никоҳдан утувчи иккала шахс консулликка ваколат берган давлат ўқаролари бўлган ҳолда консулликка ваколат берган давлат қонунчилигига мувофиқ ва бу консуллик жойлашган давлат қонунчилигига зид келмаса, никоҳни қайд этиш ва никоҳ туғрисида гувоҳнома бериш;

4) консуллик жойлашган давлат қонунчилигига зид бўлмаган ҳолда консулликка ваколат берган давлат қонунчилигига мувофиқ консулликка ваколат берган давлат ўқароларининг туғилиши ва ўлимини қайд этиш ва тегишли гувоҳномаларни бериш.

2. Ушбу модданинг 1-банди қоидалари манфаатдор шахсларни консуллик жойлашган давлат қонун-қоидаларга риоя қилишдан озод этмайди.

10-модда

Паспорт ва визалар бериш

Консуллик мансабдор шахси паспортлар, кириш, кириш-чиқиш, транзит ва бошқа визаларни, шунингдек бу каби ҳужжатларни бериш, узайтириш, бекор қилиш ҳуқуқига эга.

11- модда

Нотариал тасдиқлаш ва легаллаштириш

1. Консулликка ваколат берган давлат қонун-қоидаларига мувофиқ консуллик мансабдор шахси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) ўқаролигидан қатъий назар ҳар қандай шахснинг илтимо-

сига кўра консулликка ваколат берган давлатда фойдаланиш учун турли ҳужжатларни бериш;

2) консулликка ваколат берган давлат фуқароларининг илтимосига кўра консуллик жойлашган давлатда ёки ундан ташқарида фойдаланиш учун турли ҳужжатларни бериш;

3) ҳужжатларни консулликка ваколат берган давлат ёки консуллик жойлашган давлат расмий тилига таржима қилиш ва бу таржиманинг тўғрилигини тасдиқлаш;

4) консулликка ваколат берган давлат ёки консуллик жойлашган давлат ваколатли маъмурлари томонидан берилган ҳужжатларни легаллаштириш;

5) консулликка ваколат берган давлат фуқароларининг васиятномаларини тузиш, тасдиқлаш ва сақлашга қабул қилиш;

6) консулликка ваколат берган давлат фуқаролари ўртасидаги акт ва битимлар консуллик жойлашган давлат қонунчилигига зид бўлмаганлиги ва кўчмас мулкка ҳуқуқларни ўрнатиш ёки топширишга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли бундай акт ва битимларни тузиш ва тасдиқлаш; бир томондан консулликка ваколат берган давлат фуқаролари, иккинчи томондан бошқа давлатлар фуқаролари ўртасидаги акт ва битимлар консуллик жойлашган давлат қонунчилигига зид келмаслиги шarti билан, бундай акт ва битимлар фақатгина консулликка ваколат берган давлатдаги мулк ёки ҳуқуқларга тегишли бўлганлиги ва бу давлатда кўриб чиқиши керак бўлган ишларга тааллуқли бўлганлиги сабабли бундай акт ва битимларни тузиш ва тасдиқлаш;

7) консулликка ваколат берган давлат фуқароларининг турли ҳужжатлардаги имзолари тўғри эканлигини тасдиқлаш;

8) консуллик жойлашган давлат қонунчилигига зид келмаганлиги сабабли консулликка ваколат берган давлат фуқароларининг мулки ва ҳужжатларини сақлашга қабул қилиш.

2. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ консуллик мансабдор шахси томонидан тузилган, тасдиқланган ёки таржима қилинган ҳужжатлар консуллик жойлашган давлатнинг қонунчилигига мувофиқ бўлса, улар консуллик жойлашган давлатда шу давлатнинг ваколатли маъмурлари ва муассасалари томонидан тузилган, тасдиқланган ёки таржима қилинган ҳужжатлардек юридик аҳамият-

га ва далил бўла оладиган кучга эга бўлади.

Агар консуллик жойлашган давлат қонунчилиги буйича зарур бўлса, ҳужжатлар легаллаштирилиши керак.

12- модда

Консулликка ваколат берган давлат фуқаролари билан алоқалар

1. Консуллик мансабдор шахси консулликка ваколат берган давлат фуқаролари билан учрашиши ва алоқа қилиши, уларга маслаҳат бериши ва ҳар томонлама кўмаклашиши, жумладан уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун чоралар кўриши мумкин.

Консуллик мансабдор шахси консуллик жойлашган давлатнинг ваколатли маъмурларига консуллик жойлашган давлат ҳудудида доимий яшовчи ёки вақтинча бўлган консулликка ваколат берган давлатнинг дараксиз йўқолган фуқароларини излашга кўмаклашиш илтимоси билан мурожаат қилиши мумкин.

Консуллик жойлашган давлат консулликка ваколат берган давлат фуқароларининг консуллик муассасаси билан алоқалари ва уларнинг консуллик муассасасига киришини ҳеч бир усул билан чекламайди.

2. Консулликка ваколат берган давлат фуқароси консуллик округи доирасида ҳибсга олинса, ушланса ёки бошқа шаклда озодликдан маҳрум этилса, шундан кейин етти кун давомида консуллик жойлашган давлатнинг ваколатли маъмурлари бу тўғрида консуллик муассасасини хабардор қилади.

3. Консуллик мансабдор шахси консулликка ваколат берган давлатнинг ҳибсга олинган, ушланган ёки бошқа шаклда озодликдан маҳрум этилган ёки қамоқда жазо муддатини ўтаётган фуқаросини бориб кўриши, у билан алоқада бўлиши, учрашиши ва унга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши мумкин. Консуллик жойлашган давлатнинг ваколатли маъмурлари консуллик муассасаси мансабдор шахсининг илтимосига кўра консулликка ваколат берган давлатнинг кўрсатилган шахси билан консуллик муассасаси ходимининг учрашувини хабар қилингандан кейин уч кун давомида ташкил этиши керак. Кейинги бориб кўришлар консуллик жойлашган давлатнинг қонунчилигига

мувофиқ оқилона вақт оралиқларидан кейин амалга оширилиши мумкин.

4. Консуллик жойлашган давлатнинг ваколатли маъмурлари ҳибсга олинган, ушланган ёки бошқа шаклда озодликдан маҳрум этилган консулликка ваколат берган давлатнинг фуқаросини ушбу модданинг 1- ва 3-бандларига мувофиқ унинг ҳуқуқлари тўғрисида кечиктирмай хабардор қилиши керак.

5. Ушбу моддада кўзда тутилган ҳуқуқлар консуллик жойлашган давлатнинг қонун-қонидарига мувофиқ амалга оширилади. Бироқ консуллик жойлашган давлатнинг қонун-қонидарини тадбиқ этиш ушбу моддада кўзда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишни чеклаши керак эмас.

13-модда

Васийлик ва ҳомийлик

1. Консуллик жойлашган давлат маъмурлари уларда ахборот булган ҳолда консуллик мансабдор шахсига консуллик жойлашган давлатда доимий яшовчи консулликка ваколат берган давлат фуқароси учун васий ёки ҳомий тайинлаш зарурияти тўғрисида хабар беради. Уз навбатида консуллик мансабдор шахси юқорида кўрсатилган ҳолатлар буйича консуллик жойлашган давлатнинг ваколатли маъмурлари билан боғланиш ҳуқуқига эга.

2. Консуллик мансабдор шахси консуллик жойлашган давлатнинг ваколатли маъмурлари билан ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган масала буйича ҳамкорлик қилади ва, зарур бўлганида, консуллик жойлашган давлат қонунчилигига биноан васий ёки ҳомий мажбуриятларини бажариш учун шахсни тавсия этади.

3. Консуллик жойлашган давлат суди ёки бошқа ваколатли маъмурлари таклиф этилган шахсни бирор сабабларга кўра васий ёки ҳомий сифатида номақбул деб ҳисобласа, унда консуллик мансабдор шахси бошқа номзодни таклиф қилиши мумкин.

14-модда
Консулликка ваколат берган давлат
фуқароларига вакиллик

Агар консулликка ваколат берган давлат фуқароси консуллик жойлашган давлатда йўқ бўлгани ёки бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлмаса, унда консуллик мансабдор шахси алоҳида ишончномасиз ушбу фуқарога консуллик жойлашган давлатнинг судларида ва бошқа органларида вакиллик қилиши ёки ушбу фуқаро ўз ваколатли шахсларини тайинлагунича ёки ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олгунича тегишли вакиллик қилишни таъминлаши мумкин.

15-модда
Мерос мулкни ҳимоя қилиш буйича чоралар

1. Ахборот бўлган ҳолда консуллик жойлашган давлатнинг ваколатли маъмурлари консулликка ваколат берган давлат фуқаросининг консуллик жойлашган давлатда ўлими тўғрисидаги барча ҳоллар тўғрисида консуллик муассасасини имкони борида қисқа муддатда хабардор қиладилар ва унинг илтимосига биноан ўлим тўғрисида гувоҳнома ёки ўлим фактини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг нусхасини берадилар.

2. Консулликка ваколат берган давлат фуқароси консуллик жойлашган давлатда мерос қолдирган ҳолда консуллик жойлашган давлатнинг ваколатли маъмурлари мерос мулк таркиби, меросхўрлар, рад жавоби олувчилар, шунингдек васиятнинг мавжудлиги тўғрисида консуллик муассасасини имкони борида қисқа муддатда хабардор қиладилар.

3. Консуллик мансабдор шахси консуллик жойлашган давлат ваколатли маъмурларидан ушбу модданинг 2-бандида кўрсатилган мерос мулкни рўйхатга олиш ва муҳрлаш вақтида қатнашишга руҳсат сўраши мумкин.

4. Агар консулликка ваколат берган давлатнинг бирор фуқароси консулликка ваколат берган давлатда вафот этган ҳар қандай фуқароликка эга бўлган шахснинг мулкига ворислик қилиш

ёки уни олиш ҳуқуқини олган бўлса, унда, агар бу консулликка ваколат берган давлатнинг фуқароси консуллик жойлашган давлатдан ташқарида бўлса ҳам, консуллик жойлашган давлатнинг ваколатли маъмурлари уларда ахборот бўлган ҳолда консулликка ваколат берган давлатнинг ушбу фуқароси меросхўр ёки рад жавоби олувчи эканлиги тўғрисида консуллик муассасасини имкони борича қисқа муддатда хабардор қиладилар. Ҳа навбатида консуллик мансабдор шахси юқорида кўрсатилган ҳолатлар бўйича консуллик жойлашган давлатнинг ваколатли маъмурлари билан боғланиш ҳуқуқига эга.

5. Консуллик мансабдор шахси консулликка ваколат берган давлат фуқароси номидан, агар бундай шахс консуллик жойлашган давлатда бўлмаса, суд, бошқа маъмурлар ёки алоҳида шахсдан бирор шахс вафоти натижасида бу фуқарога тегишли бўлган пул ёки бошқа мулкни, жумладан мерос, компенсация тулови ва сугурта бўйича тегишли бўлган маблағларни қабул қилиши ва бу пулларни кўрсатилган шахсга бериши мумкин.

6. Консуллик жойлашган давлатда вақтинча бўлган консулликка ваколат берган давлат фуқаросининг ўлими ҳолида, шунингдек консуллик жойлашган давлатда вафот этган шахснинг қариндошлари ёки унинг вакиллари бўлмаса, ва шу билан бирга у қолдирган ашёлар вафот этган шахснинг консуллик жойлашган давлатда ўз зиммасига олган мажбуриятлари билан боғлиқ бўлмаса, унда консуллик мансабдор шахси қолдирилган ашёларни олиш, сақлаш ёки белгиланган жойга бериш ҳуқуқига эга.

16-модда

Консулликка ваколат берган давлатнинг ҳаво кемасига ёрдам кўрсатиш

1. Консуллик мансабдор шахси ўз консуллик округи доирасида консулликка ваколат берган давлат қонун-қоидалари кўзда тутган назорат қилиш ва инспекция ҳуқуқларини консуллик жойлашган давлат аэропортида ёки ҳавода парвозда бўлган консулликка ваколат берган давлатнинг ҳаво кемаларига, шунингдек уларнинг экипаж аъзоларига нисбатан амалга ошириши мумкин.

2. Консуллик мансабдор шахси уз консуллик округи доирасида консуллик жойлашган давлат аэропортида ёки ҳавода парвозда бўлган консулликка ваколат берган давлатнинг ҳаво кемаларига, шунингдек уларнинг экипаж аъзоларига ёрдам кўрсатиш ҳуқуқига, жумладан:

1) консулликка ваколат берган давлат ҳаво кемасининг командири ёки унинг экипажи аъзолари билан алоқа қилиш;

2) консуллик жойлашган давлат ваколатли органларининг ҳуқуқларига зиён етказмаган ҳолда консулликка ваколат берган давлат ҳаво кемасининг парвози ёки унинг аэропортда турган вақтида содир бўлган ҳодисаларни текшириш, командирни ёки экипаж аъзоларини сўроқ қилиш, ҳаво кемасининг гувоҳномасини текшириш, командирнинг ҳаво кемаси, унинг парвози ва бориш жойи тўғрисидаги ахборотини тинглаш, шунингдек ҳаво кемасига парвоз, қўниш ва аэропортда туриш бўйича зарур ёрдам кўрсатиш;

3) консуллик жойлашган давлат ваколатли органларининг ҳуқуқларига зиён етказмаган ҳолда консулликка ваколат берган давлатнинг қонунчилигига биноан командир ва экипаж аъзолари ўртасидаги турли хил баҳсларни ҳал этиш;

4) зарур бўлганида ҳаво кемаси командири ёки экипаж аъзоларининг касалхонада даволанишини ёки репатриациясини таъминлаш;

5) ҳаво кемасига нисбатан консулликка ваколат берган давлат қонун-қоидалари кўзда тутган ҳар қандай ҳужжатларни олиш, бериш ёки тасдиқлаш ҳуқуқларига эга.

3. Консуллик мансабдор шахси ушбу модда кўзда тутган вазифаларни бажаришда консуллик жойлашган давлат ваколатли органларига ёрдам ва кўмак сўраб муурожаат қилиши мумкин.

17-модда

Консулликка ваколат берган давлат ҳаво кемасига нисбатан мажбурлов чораларидан ҳимоялаш

1. Консуллик жойлашган давлат ваколатли маъмурлари консулликка ваколат берган давлатнинг ҳаво кемасига нисбатан мажбурлов чораларини қўлламоқчи ёки унда текширув ўтказмоқчи

булсалар, улар консуллик мансабдор шахси ёки унинг вакили бундай ҳаракатларни амалга ошириш вақтида қатнашишлари учун консуллик муассасасини бу тўғрида олдиндан хабардор қиладилар. Агар масаланинг муҳимлигидан вақт етишмаслиги сабабли консуллик муассасасини олдиндан хабардор қилиш мумкин бўлмаса, консуллик жойлашган давлатнинг ваколатли маъмурлари консуллик муассасасини юқорида кўрсатилган ҳаракатлар қилиниши биланоқ хабардор қиладилар ва консуллик муассасаси мансабдор шахсининг илтимосига кўра имкони борича қисқа муддат ичида бу ҳаракатлар тўғрисида тўла маълумот берадилар.

2. Ушбу модда 1-бандининг қоидалари консуллик жойлашган давлат маъмурлари 1-бандга мувофиқ ҳаво кемаси командири ёки экипаж аъзоларига нисбатан шу каби чораларни кўрган ҳолларга ҳам тадбиқ этилади.

3. Ушбу модданинг 1- ва 2-бандлари консуллик жойлашган давлат ваколатли маъмурлари амалга оширадиган оддий божхона, чегара, хавфсиз ва санитария назоратига нисбатан қўлланилмайди.

4. Агар консулликка ваколат берган ҳаво кемаси, унинг экипаж аъзолари ва пассажирлари консуллик жойлашган давлатда тинчлик, хавфсизлик ва жамоат тартибини бузмасалар, консуллик жойлашган давлат маъмурлари ҳаво кемасининг ички ишларига аралаша олмайдилар. Консулликка ваколат берган давлат кемаси командири ва консуллик мансабдор шахси илтимос қилган ёки улар розилик берган ҳоллар бундан истисно.

18-модда

Консулликка ваколат берган давлатнинг
ҳалокатга учраган ҳаво кемасига ёрдам

1. Консулликка ваколат берган давлат кемаси консуллик жойлашган давлат ҳудудида ҳалокатга учраса ёки консуллик жойлашган давлат ваколатли органлари консуллик жойлашган давлат ҳудудида ҳалокатга учраган ҳаво кемасида консулликка ваколат берган давлат фуқаролари ва уларнинг мулки борлиги тўғрисида маълум бўлса, унда консуллик жойлашган давлат ваколатли маъмур-

лари имкони борича қисқа муддатда бу тўғрида консуллик муассасасига маълум қиладилар, шунингдек ҳаво кемасини ва консулликлари имкони борича қисқа муддатда бу тўғрида консуллик муассасасига маълум қиладилар, шунингдек ҳаво кемасини ва консулликка ваколат берган давлат фуқароларини, шунингдек уларнинг мулкни қутқариш бўйича қўрилган чоралар тўғрисида хабардор қиладилар.

2. Консуллик мансабдор шахси ҳалокатга учраган ҳаво кемаси, унинг экипаж аъзолари ва йўловчиларига ёрдам бериш учун чоралар қўриши, шунингдек бу мақсадда консуллик жойлашган давлатнинг ваколатли маъмурларига мурожаат қилиши мумкин.

3. Агар консуллик жойлашган давлат ёки учинчи давлат ҳудудида ҳалокатга учраган консулликка ваколат берган давлат ҳаво кемаси, унинг ашёлари ёки юки консуллик жойлашган давлатда топилган бўлса ва бунда ҳаво кемаси командири, эгаси ёки суғуртачилари бўлмаса, ёки улар бу мулкни сақлаш ёки уни ишлатишга қодир бўлмасалар, унда консуллик мансабдор шахси уларнинг номидан ҳалокатга учраган ҳаво кемаси ва мулкни сақлаш ва ишлатиш бўйича чоралар қўриши мумкин.

4. Агар ушбу модданинг 1,2 ва 3- бандларида қўрсатилган консулликка ваколат берган давлатнинг ҳаво кемаси, унинг ашёлари ва юки консуллик жойлашган давлатда сотмаслик ёки ишлатмаслик учун олиб борилган бўлса, консулликка ваколат берган давлат томонидан уларга божхона тўловлари ва шу каби йиғимлар солинмайди.

19-модда

Консулликка ваколат берган давлатнинг кемаси

Ушбу Шартнома 16,17 ва 18- моддаларининг консулликка ваколат берган давлат ҳаво кемасига таълуқли бўлган қоидалари тенг даражада унинг кемаларига ҳам татбиқ этилади.

20-модда
Консуллик йиғимлари

Консуллик муассасаси консуллик жойлашган давлат ҳудудида консулликка ваколат берган давлат қонунчилиги кўзда тутган консуллик йиғимларини ундириши мумкин.

21-модда
Консуллик вазифаларини консуллик округида
ва ундан ташқарида бажариш

Консуллик мансабдор шахси консуллик вазифаларини фақатгина ўз консуллик округида бажариши мумкин. Консуллик жойлашган давлат розилиги билан у шунингдек консуллик вазифаларини ўз консуллик округидан ташқарида бажариши мумкин.

22-модда
Консуллик жойлашган давлат маъмурлари
билан алоқалар

Ўз консуллик вазифаларини амалга оширишда консуллик мансабдор шахси консуллик округи ваколатли маъмурларига, шунингдек консуллик жойлашган давлатнинг ваколатли марказий органларига шу давлат қонун-қоидалари ва урф-одатлари йўл қўядиган даражада муурожаат қилиши мумкин.

23-модда
Дипломатик ваколатхона томонидан консуллик
вазифаларини амалга ошириш

1. Консулликка ваколат берган давлат дипломатик ваколатхонаси консуллик жойлашган давлат ташқи ишлар вазирлигига консуллик вазифаларини бажарувчи дипломатик ходимларнинг тулиқ исми, фамилияси, лавозими ва даражасини маълум қилади.

2. Консуллик жойлашган давлатдаги консулликка ваколат берган давлат дипломатик ваколатхонасининг шу ваколатхонада

консуллик вазифаларини амалга ошириш юкланган дипломатик ходимларига ушбу Шартнома кўзда тутилган консуллик мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тааллуқли бўлади.

3. Консуллик вазифалари юкланган дипломатик ходимлар уларнинг дипломатик статусига биноан берилган ҳуқуқ, имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланишда давом этадилар.

IV ҚИСМ ИМТИЁЗЛАР ВА ИММУНИТЕТЛАР

24-модда

Консуллик муассасаси ўз вазифаларини бажариши учун шарт-шароитни таъминлаш

Консуллик муассасаси ўз вазифаларини бажариши учун консуллик жойлашган давлат барча имкониятларни яратиб беради. У консуллик муассасаси хизматчиларини ўз ҳимоясига олади ва консуллик муассасаси ходимлари ўз мажбуриятларини бажара олишлари ва ушбу Шартномага биноан имтиёз ва иммунитетлардан фойдалана олишлари учун барча зарур чораларни кўради.

25-модда

Консуллик ва турар жой бинолари

1. Консулликка ваколат берган давлат ёки унинг ваколатли шахслари консуллик жойлашган давлат қонунчилиги доирасида консуллик муассасаси эҳтиёжлари учун ва консуллик муассасаси хизматчилари учун турар жой бинолари сифатида ишлатиладиган бинолар ёки бинолар қисмларини ва уларга хизмат кўрсатувчи ер майдонларини хусусий мулкка, ижарага олиши, қуриши ёки бошқа усуллар билан эга бўлиши мумкин. Консуллик жойлашган давлат фуқаролари бўлган ёки унда доимий яшовчи консуллик муассасаси ходимларининг турар жой бинолари бундан истисно.

2. Консуллик жойлашган давлат консулликка ваколат берган давлатга ушбу модданинг 1-бандига кўра консуллик биноларини олишда ёрдам кўрсатади ва зарур ҳолларда консулликка ваколат

берган давлатга, шунингдек консуллик муассасаси хизматчилари учун тўғри келадиган турар жой биноларини олишда кўмаклашади.

3. Ушбу модда 1-бандининг қоидалари консулликка ваколат берган давлатни консуллик жойлашган давлатнинг ер майдонлари, қурилиш ва шаҳар лойиҳалаштиришига тааллуқли қонун-қоидаларига риоя қилиш заруриятидан озод этмайди.

26-модда

Давлат байроғи ва гербини ишлатиш

1. Консулликка ваколат берган давлат консуллик муассасаси биносига ўз давлат гербини ва консулликка ваколат берган давлат ва консуллик жойлашган давлат тилларида консуллик муассасаси номи ёзилган қалқонни ўрнатиш ҳуқуқига эга.

2. Консулликка ваколат берган давлат ўз байроғини консуллик биноси, консуллик муассасаси бошлиғи қароргоҳи ва у ўз расмий мажбуриятларини бажаришида унинг транспорт воситаларига ўрнатиш ҳуқуқига эга.

3. Ушбу моддада кўзда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишда консуллик жойлашган давлатнинг қонун-қоидалари ва урф-одатлари эътиборга олинishi керак.

27-модда

Консуллик бинолари ва консуллик мансабдор шахслари турар жой биноларининг дахлсизлиги

1. Консуллик бинолари дахлсиздир. Консуллик жойлашган давлат маъмурлари уларга консуллик муассасаси бошлиғи ёки консулликка ваколат берган давлат дипломатик ваколатхонаси бошлиғи ёки улардан бири томонидан тайинланган шахснинг розилигисиз киришлари мумкин эмас.

2. Консуллик биноларида фуқароларнинг хавфсизлиги ва мулк бутлиги, шунингдек қўшни консуллик жойлашган давлат бинолари учун хавф туғдирадиган ёнғин ёки бошқа табиий офат юзга келган ҳолларда бундай розилик энг қисқа тўғри келадиган вақтда

берилиши керак.

3. Консуллик жойлашган давлат зиммасида консуллик биноларини бостириб кириш ёки зарар етказишдан ҳимоя қилиш учун ва консуллик муассасаси тинчлигини бузиш ёки унинг шаънини ҳақоратлашнинг олдини олиш учун барча зарур чораларни куриш махсус мажбурияти ётади.

4. Ушбу модданинг 1- ва 3-бандлари қоидалари шунингдек консуллик мансабдор шахсларининг турар-жой биноларига ҳам тааллуқли бўлади.

28-модда

Консуллик архивларининг дахлсизлиги

Консуллик архивлари уларнинг қачон ва қаерда бўлишидан қатъий назар дахлсиздир.

29-модда

Алоқалар эркинлиги

1. Консуллик жойлашган давлат барча расмий мақсадлар учун консуллик муассасининг алоқалар эркинлигига руҳсат бериши ва уни ҳимоя қилиши керак. Консулликка ваколат берган давлатнинг ҳукумати, дипломатик ваколатхоналари ва бошқа консуллик муассасалари билан алоқа қилишда консуллик муассасаси барча мос келадиган воситалар, жумладан кодланган ёки шифрланган депешалар, дипломатик ёки консуллик вализаларидан фойдаланиши мумкин. Консуллик муассасаси консуллик жойлашган давлатнинг розилиги билангина радиоузатгични ўрнатиши ва ундан фойдаланиши мумкин.

2. Консуллик муассасасининг расмий корреспонденцияси дахлсиздир. Консуллик вализаси очилиши ёки ушлаб қолиниши мумкин эмас. Консуллик вализаси муҳрланган ва унинг характерини курсатувчи ташқи белгиларга эга бўлиши керак ва фақатгина консуллик муассасаси фойдаланиши учун мўлжалланган расмий корреспонденция, ҳужжатлар ва ашёларни ўз ичига олиши мумкин.

3. Фақатгина консуллик жойлашган давлатда доимий яшамай-

диган консулликка ваколат берган давлат фуқароси консуллик куръери бўлиши мумкин. У унинг шахсини тасдиқловчи расмий ҳужжатга эга бўлиши керак. Консуллик куръери, консуллик жойлашган давлатда бўла туриб, дипломатик куръерлар сингари ҳуқуқ, имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланади.

4. Консуллик вализаси консулликка ваколат берган давлатнинг ҳаво кемаси командири ёки кема капитанига топширилиши мумкин. Бу командир ёки капитан вализани ташкил этган жойларнинг сони кўрсатилган расмий ҳужжат билан таъминланади, бироқ у консуллик куръери бўлиб ҳисобланмайди. Консуллик жойлашган давлатнинг маёмурлари билан келишилган ҳолда Консуллик мансабдор шахси консуллик вализасини ҳаво кемаси командири ёки кема капитанидан бевосита ва тўсиқсиз қабул қилиб олиши ёки топшириши мумкин.

30-модда

Ҳаракат қилиш эркинлиги

Консуллик жойлашган давлатнинг давлат хавфсизлиги мулоҳазаларига кўра ҳудудларига кириш тақиқланган ёки чекланган туманлар ҳақидаги қонун-қоидаларига зид келмаганлиги туфайли консуллик муассасаси хизматчиларига консуллик округи доирасида эркин ҳаракат қилишга руҳсат этилади.

31-модда

Консуллик мансабдор шахсларининг шахсий дахлсизлиги

Консуллик мансабдор шахслари шахсий дахлсизликдан фойдаланадилар. Консуллик жойлашган давлат консуллик муассасаси мансабдор шахсларига лозим бўлган ҳурмат билан қарashi ва уларнинг шахси, эркинлиги ва шаънига тажовузларнинг олдини олиши учун барча зарур чораларни кўриши шарт.

32-модда

Юрисдикциядан иммунитет

1. Консуллик мансабдор шахслари консуллик жойлашган давлатнинг жиноий, фуқаролик ва маъмурий юрисдикциясидан иммунитетдан фойдаланадилар. Қуйидаги фуқаролик даъволари бундан истисно:

1) консуллик мансабдор шахси тузган, у буйича консулликка ваколат берган давлат номидан бевосита ёки билвосита ҳаракат қилмайдиган шартномадан келиб чиқувчи;

2) консуллик жойлашган давлатда йул-транспорт воситаси, кема ёки ҳаво кемаси келтириб чиқарган зарарни учинчи шахс тўлаб беришни талаб қилганида юзага келадиган;

3) консуллик жойлашган давлат ҳудудидаги хусусий кучмас мулкка тегишли бўлган, агар улар консулликка ваколат берган давлат номидан консуллик мақсадларида унга эгалик қилмасалар;

4) улар консулликка ваколат берган давлат номидан эмас, балки хусусий шахслардек васиятни бажарувчи, мерос мулк ҳомийси, меросхур ёки рад жавоби олувчи сифатида бўлганларида меросга эга бўлишга тааллуқли;

5) консуллик жойлашган давлатда ўз расмий вазифалари доираларидан ташқари улар томонидан амалга ошириладиган ҳар қандай профессионал ёки тижорат фаолиятга тегишли.

2. Агар консуллик жойлашган давлат ушбу модда 1-пунктида баён этилган қоидаларга биноан ижро чораларини курса, унда консуллик мансабдор шахслари шахсий дахлсизлиги ва уларнинг турар жой бинолари дахлсизлиги бузилиши керак эмас.

3. Консуллик муассасаси ходимлари ва хизмат кўрсатиш хизматчилари ушбу модда 1-бандининг 1- ва 2-кичик бандларида баён этилган фуқаролик даъволаридан ташқари уларнинг хизмат фаолияти доирасида консуллик жойлашган давлатнинг жиноий, фуқаролик ва маъмурий юрисдикциясига кирмайди.

4. Консуллик муассасаси ходимлари ва хизмат кўрсатиш хизматчилари, уларга суд маъмурлари томонидан бу давлатнинг қонуни буйича жазоланадиган ҳаракатларни бажариш буйича айб қўйилган ёки қонуний кучга кирган суд ҳукми асос бўлган ҳоллардан ташқари ҳибсга олинishi ҳам, ҳар қандай бошқа шаклда озодликдан маҳрум этилиши ҳам мумкин эмас.

Консуллик муассасаси ходими ва хизмат кўрсатиш хизматчиси хибсга олинган ёки ушланган ҳолда консуллик жойлашган давлат бу тўғрида консуллик муассасаси бошлиғини дарҳол хабардор қилиши керак.

33-модда

Гувоҳлик кўрсатмаларини бериш

1. Консуллик мансабдор шахси гувоҳ сифатида кўрсатмалар беришга мажбур эмас.

2. Консуллик муассасаси ходимлари ва хизмат кўрсатиш хизматчилари гувоҳлар сифатида чақирилиши, консуллик жойлашган давлатнинг судлари ёки бошқа ваколатли маъмурлари олдида кўрсатмалар бериш учун чақиртирилишлари мумкин. У иш фаолиятига тегишли вазият тўғрисида кўрсатмалар беришдан бош тортиши мумкин.

Бироқ барча ҳолларда консуллик муассасаси ходими ёки хизмат кўрсатиш хизматчисига нисбатан мажбурий чоралар қўлланилишига йўл қўйилмайди.

3. Бирор консуллик ходими ёки хизмат кўрсатиш хизматчиси гувоҳлик кўрсатмалари беришини талаб этаётган консуллик жойлашган давлатнинг ваколатли маъмурлари у ўз вазифаларини бажаришига ҳалал бермасликлари керак. Улар, имкони бўлганида, ушбу консуллик ходим ёки хизмат кўрсатиш хизматчисидан Консуллик биносида ёки унинг турар жойида кўрсатмалар олиши ёхуд ундан ёзма кўрсатмаларини қабул қилишлари мумкин.

34-модда

Меҳнат мажбуриятлари ва ҳарбий хизматдан озод этиш

Консуллик муассасаси хизматчилари консуллик жойлашган давлатда меҳнат ва жамоат мажбуриятларининг ҳар қандай шаклларида ва ҳарбий хизматдан озод этиладилар. Улар шунингдек чет эл фуқароларини қайд этиш, консулликка ваколат берган давлат учун иш бажаришга тааллуқли яшаш, меҳнат фаолиятига руҳсат олиш

ва бошқа шу каби талабларга нисбатан консуллик жойлашган давлат қонунчилиги кўзда тутган барча мажбуриятлардан, агар булар чет эллик фуқароларга нисбатан кўзда тутилган бўлса, озод этиладилар.

35-модда

Консуллик муассасасини солиқлардан озод этиш.

Консулликка ваколат берган давлат ёки унинг номидан ҳаракат қилувчи шахс ҳар қандай шаклда эгаси ёки ёлловчиси бўлган консуллик бинолари ва турар жой бинолари, шунингдек кўрсатилган мулкни олишга тааллуқли битим ёки ҳужжатлари барча давлат, ноҳия ва муниципал солиқ, йиғим ва товонлардан озод этиладилар.

2. Консулликка ваколат берган давлат мулки бўлган ёки унинг ихтиёрида бўлган ёки ишлатилаётган ва консуллик мақсадларига мўлжалланган кучириб бўладиган мулк солиқлар ва шу каби йиғимлардан озод этилади.

Бу қоида консуллик мақсадлари учун олиш ҳолларига ҳам тааллуқли бўлади.

3. Консуллик жойлашган давлатда консуллик муассасаси ундирадиган консуллик йиғимлари барча солиқлар ва йиғимлардан озод этилади.

4. Ушбу модда 1 ва 2- бандлари қўйидагиларга тааллуқли эмас:

- 1) конкрет хизматлар учун ундириладиган тўлов;
- 2) консулликка ваколат берган давлат ёки унинг вакили билан битим тузаётган шахсдан консуллик жойлашган давлат қонунчилигига биноан ундириладиган солиқлар.

36-модда

Консуллик муассасаси хизматчиларини
солиқлардан озод этиш

1. Консуллик муассасаси хизматчилари қўйидагилардан ташқари консуллик жойлашган давлатнинг барча давлат, маҳаллий

ва муниципал солиқларидан озод этиладилар:

1) товар ва хизматлар қийматига киритиладиган билвосита солиқлар;

2) ушбу Шартнома 35-моддаси 1-банди қоидалари кўзда тутган ажратишлар билан консуллик жойлашган давлат ҳудудида жойлашган хусусий кўчмас мулкка солиқлар;

3) ушбу Шартнома 38-моддаси кўзда тутган ажратишлар билан консуллик жойлашган давлат томонидан мерос мулкига солинадиган солиқлар, мерос олишга ва унинг ўтишига солинадиган солиқлар;

4) хизмат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, консуллик жойлашган давлатдаги манбалардан олинадиган ҳар қандай хусусий даромадларга солиқ ва йиғимлар;

5) конкрет хизмат кўрсатиш турлари учун ундириладиган йиғимлар;

6) ушбу Шартнома 35-моддаси кўзда тутган ажратишлар билан қайд этиш, суд ва реестр божлари, ипотека ва гербли йиғимлар.

2. Консуллик муассасаси хизматчилари консулликка ваколат берган давлатдан оладиган иш ҳақига консуллик жойлашган давлат қонунчилигига мувофиқ иш ҳақидан ундириладиган солиқ ва бошқа шу каби йиғимлар солинмайди.

37-модда

Божхона тўловлари ва
божхона текширувидан озод этиш

1. Консуллик жойлашган давлат, унда қабул қилинган қонун-қоидаларга мувофиқ қуйидагиларни олиб киришга рухсат этади ва сақлаш, ташиш ва шу хилдаги хизматлар учун йиғимлардан ташқари, барча божхона тўловларидан озод этади:

1) консуллик муассасасининг хизмат мақсадлари учун мўлжалланган ашёлар, жумладан унинг транспорт воситалари;

2) консуллик мансабдор шахси шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган ашёлар;

3) шахсий фойдаланиш учун мўлжалланган ашёлар, жумладан консуллик муассасаси ходимлари ва хизмат кўрсатиш хизматчилари

дастлаб жойлашиб олишлари учун уй жиҳозлари.

2. Ушбу модда 1-бандининг 2 ва 3-кичик бандларида айтиб утилган ашёлар тегишли шахс томонидан бевосита истеъмол қилиш учун зарур бўлган миқдордан ошмаслиги керак.

3. Консуллик мансабдор шахси шахсий йўловчи юклари божхона текширувидан озод этилади. У фақат унда ушбу модда 1-банди 2-кичик бандида айтиб утилганлардан фарқ қиладиган ашёлар ёки консуллик жойлашган давлат қонун-қоидалари билан олиб кирилиши ва олиб чиқилиши тақиқланган ёки карантин қоидаларига тушадиган ашёлар бор дейишга жиддий асослар бўлганидагина текширилиши мумкин. Текширув жойда тегишли консуллик муассасаси мансабдор шахси ёки унинг вакили иштирокида ўтказилиши керак.

38-модда

Консуллик муассасаси хизматчисининг мерос мулки

1. Консуллик муассасаси хизматчиси ёки унинг оила аъзоси вафот этган ҳолда консуллик жойлашган давлат:

1) консуллик жойлашган давлатда олинган ва ушбу шахсининг вафоти вақтида олиб чиқилиши тақиқланган мулкдан ташқари, вафот этган шахсининг қўзғатиш мумкин бўлган мулкни олиб чиқишга рухсат беради;

2) вафот этган шахсининг меросига ҳеч қандай давлат, ноҳия ва муниципал солиқ солмайди ва фақатгина консуллик муассасаси хизматчиси ёки унинг оила аъзоси сифатида консуллик жойлашган давлатда бўлиши билан борлиқ бўлган ҳолда консуллик жойлашган давлатга олиб кирилган ёки олинган қўзғатиш мумкин бўлган мулкни мерос қилиб олишга бож ундирмайди.

39-модда

Консуллик муассасаси хизматчилари оила аъзоларининг имтиёз ва иммунитетлари

Ушбу Шартнома 4-моддасининг 2-бандида айтиб утилган ҳоллардан ташқари ушбу Шартнома қоидаларига мувофиқ консуллик мансабдор шахслари оила аъзолари ва консуллик муассасаси хо-

димлари ва хизмат кўрсатиш хизматчилари оила аъзолари мос равишда консуллик мансабдор шахслари, консуллик муассасаси ходимлари ва хизмат кўрсатиш хизматчилари фойдаланадиган имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланадилар.

40-модда

Имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланмайдиган шахслар

1. Агар консуллик муассасаси ходимлари ва хизмат кўрсатиш хизматчилари консуллик жойлашган давлатнинг фуқаролари ёки доимий яшовчилари бўлса, улар 33-модданинг 2-бандида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари ушбу Шартнома қоидалари кўзда тутган имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланмайдилар.

2. Консуллик муассасаси хизматчилари консуллик жойлашган давлат фуқаролари бўлса ёки унда доимий яшаса, уларнинг оила аъзолари иммунитетлар ва имтиёзлардан фойдаланмайдилар.

3. Хусусий уй хизматчилари ушбу Шартнома қоидалари кўзда тутган имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланмайдилар.

41-модда

Имтиёз ва иммунитетлардан воз кечиш

1. Консулликка ваколат берган давлат ушбу Шартноманинг 32 ва 33-моддаларида кўрсатилган консуллик муассасасининг тегишли хизматчилари фойдаланадиган имтиёз ва иммунитетлардан воз кечиши мумкин. Воз кечиш барча ҳолларда консуллик жойлашган давлатга ёзма равишда аниқ ифодаланган бўлиши керак.

2. Юрисдикциядан иммунитетдан фойдаланиши мумкин бўлган ҳолда ушбу Шартнома қоидаларига мувофиқ консуллик муассасаси хизматчиси томонидан суд ишини кўзғатиш уни асосий даъво билан боғлиқ бўлган бирор-бир қарши даъвога нисбатан юрисдикциядан иммунитетга таяниш ҳуқуқидан маҳрум этади.

3. Фуқаролик ёки маъмурий ишлар бўйича юрисдикциядан иммунитетдан воз кечиш суд қарорини ижро этишга нисбатан иммунитетдан воз кечишни англатмайди. Бундай воз кечиш учун алоҳида

ёзма хабарнома зарур.

42-модда

Консуллик жойлашган давлат қонун-қоидаларини ҳурмат қилиш

1. Имтиёз ва иммунитетларига зиён етказмаган ҳолда ушбу Шартнома Қоидаларига биноан имтиёзлар ва иммунитетлар ҳавола этиладиган барча шахслар консуллик жойлашган давлатнинг қонун-қоидаларини, жумладан транспорт воситалари ҳаракати ва уларнинг суғуртасини тартибга солувчи қонун-қоидаларни ҳурмат қилишлари шарт. Улар шунингдек консуллик жойлашган давлатнинг ички ишларига аралашмасликлари шарт.

2. Консулликка ваколат берган давлат фуқаролари бўлган консуллик муассасаси хизматчилари ўз расмий вазифаларини бажаришдан ташқари бирор-бир бошқа профессионал ёки тижорат фаолияти билан шуғулланмасликлари керак.

V ҚИСМ

ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

43-модда

Ушбу Шартноманинг ратификацияси, кучга кириши ва амал қилишининг тўхтатилиши

1. Ушбу Шартнома ратификация қилинади. Шартнома ратификация ёрлиқлари билан алмашинган кундан сўнг уттизинчи кунга кучга киради.

2. Ушбу Шартнома Аҳдлашувчи Томонлардан бири бошқа Аҳдлашувчи Томонни ушбу Шартнома амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги ўз нияти тўғрисида ёзма равишда хабардор қилган кундан сўнг олти ой уттунига қадар кучда қолади.

Пекин шаҳрида, 1994 йил "___" октябрда икки нусхада, ҳар бири хитой, ўзбек ва рус тилларида тузилди, учала матн ҳам бир хил кучга эга. Ушбу Шартномани талқин этишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда Аҳдлашувчи Томонлар рус тилидаги матнга амал қиладилар.

Хитой Халқ Республикаси
учун

Ўзбекистон Республикаси
учун